



6 (1375)-SON. 2021-YIL 26-MART

NARXI KELISHILGAN BAHODA.

NAMANGAN SHAHAR HOKIMLIGINING GAZETASI

web-site: www.namsado.uz • e-mail: namsado@umail.uz • 1994-yil 1-apreldan chiqa boshlagan.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг навбатдаги йигирма бешинчи сессияси бўлди. Уни Кенгаш раисининг ўринбосари Илҳомжон Отабоев олиб борди.

Сессияда иккита муҳим масала муҳокама этилди.

977 ОИЛА «ТЕМИР ДАФТАР»ДАН ЧИҚАРИЛДИ

«Наманган шаҳридаги маҳалла-ларда «Темир дафтар»га киритилган эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида» сектор раҳбарлари шаҳар ҳокими Ғофиржон Жамолов, шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи Ғайратжон Ғаниев, шаҳар ДСИ бошлиғи Аюбхон Ғайбуллаевларнинг ахборотлари эшитилди.

Таъкидландики, йилнинг биринчи чораги давомида эҳтиёжманд оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан бир марталик моддий ёрдам бериш бўйича 1-секторда 24,7 млн, 2-секторда 18,2 млн, 3-секторда 22,9 млн, 4-секторда 34 млн, жами 1784 та оилага 99,5 млн сўмлик 5 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик билан шугулланишлари учун 51 та оилага субсидия асосида иссиқхоналар куриб берилган, 163 та оилага имтиёзли кредитлар асосида тикув машиналари, 94 та оилага 1235 та парранда тарқатилган. Бундан

ташқари, 23 та хонадонда 44,5 млн сўмлик таъмирлаш ишлари бажариб берилган, 23 та оилага 15 млн сўмлик дори-дармонлардан ёрдам кўрсатилган.

Ишчи гуруҳлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, депутатлар билан биргаликда ўтказган хатлов натижаларига кўра, 1-секторда 295 та, 2-секторда 198 та, 3-секторда 219 та, 4-секторда 261 та, жами 977 та оиланинг ойлик даромадлари яхшиланганлиги, иш билан бандлиги таъминлаганлиги ҳамда ушбу хонадон эгаларининг розилигини ҳисобга олган ҳолда «Темир дафтар» рўйхатидан чиқариш таклифи билдирилди.

«ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИ БҮЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустамжон Исақовнинг ахборотида бу ҳақда атрофлича маълумот берилди.

Жумладан, ушбу Дастур асосида жорий йилда «Даштбоғ» ва «Гунча» маҳаллаларида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари бажарилади. Шунингдек, қолган маҳаллаларда ҳам ички йўлларни, ичимлик ва оқова сув тармоқларини, электр, газ, алоқа ва ахборотлаштириш тизимини

янада такомиллаштириш, ижтимоий соҳа объектларини куриш ва таъмирлаш, чиқиндиларни ташиб чиқариш учун транспорт воситаларини кўпайтириш, бозор инфратузилмасини, спорт ва болалар майдончаларини, кичик саноат зоналари ва иссиқхоналарни ташкил этиш каби 17 та йўналишдаги ишлар амалга оширилиши баён қилинди.

Ахборотлар юзасидан музокарада депутатлардан Музаффар Жамолитдинов, Толиб Бобоматов, Гавҳархон Турғунова, Соҳибахон Ғаффорова ва бошқалар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Сессияда ҳар икки масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ХУЛОСА: ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

Давлатимиз раҳбари 18-19 март кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида журналистлар билан бўлган учрашувда шундай дедилар: «Шу ўринда халқимиздан бир нарсани сўраган бўлардим - қарс икки қўлдан чиқади. Одамларимиз яхши яшашга ҳақли. Бунинг учун ҳокимият вакиллари билан тенг ҳаракат қилиш керак. Ахир ўз уйини чиройли қилиб ўтириш

бизнинг бурчимиз эмасми? «Бўлаверади», деб яшайдиган вақт ўтди.

Дарҳақиқат, шундай. Сессияда ҳам ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳар ҳокими Ғофиржон Жамолов ҳам ўз сўзида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ночор оилаларга, ногиронларга моддий ва маънавий кўмак бериш учун барча чоралар кўрилишини айтди.

Лекин айрим хонадон эгалари уйларида соғлом, бақувват эркаклар тургани ҳолда ҳокимликка, маҳалла идораларига аёлларини чиқариб ёрдам сўрашаётганлиги бир оз эриш туюлаётганлиги ҳам бор гап. Наманганликлар азалдан нафақат гулу гулзорлари, балки ўзининг юксак маънавияти, орномуси, ҳаёси, ширин шеvasи билан ҳам ном қозонган. Шундай экан, билагида кучи, юрагида ғайрати бўлган йигитлар моддий ёрдамга кўз тикиб ўтирмасдан шаҳримизда очилаётган корхоналарга, курилиш ташкилотларига кириб, меҳнат қилсалар, бунинг гашти ҳам ўзгача бўларди.

Яна бир мулоҳаза, бугун маҳаллалардаги кўчаларни таъмирлаш, сошлаш ишлари қизғин давом этяпти. Лекин айрим хонадон эгалари деворларини, экилган дарахт кўчаларини оқлаб қўйишга, дарвозалари олдини, кўп қаватли уйларида яшовчилар ҳар куни ўзлари кириб-чиқадиган йўлакларни тозалаб қўйишга ҳафсала қилмаётганликлари жуда ачинарлидир. Эрта тонгда келинчақларнинг нафақат ҳовли, балки кўчаларга ҳам сув сепиб, ёғ тушса ялағудек қилиб супуриб қўйиш одатлари қаёқда қолди? Бу миллий анъаналарни ёшлар қалбига сингдириш ота-оналарнинг, бобо ва бувиларнинг, қайнота-қайноналарнинг инсоний бурчлари эмасми?

Депутатларга ўз сайловчилари билан бўлган учрашувларда одамларни боқимандалик кайфиятига тушмасдан, ҳалол меҳнатга, тадбиркорликка, ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишга чорлаш ва бу борада ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари топширилди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ.

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

АЁЛЛАРГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

21 март куни Наманган шаҳрида «Реабилитация ва мослаштириш Республика маркази вилоят ҳудудий бўлими»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими Ғофиржон Жамолов ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этишди. Марказнинг асосий мақсади жабр кўрган аёлларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам беришдан иборат. Ундан ташқари, марказда ушбу аёллар учун вақтинчалик бошпана ҳам мавжуд. Марказда психолог, жамоатчи ҳуқуқшунос ва тиббиёт ҳамшираси фаолият кўрсатади. Марказ ходимлари учун ҳам 2 қаватли янги бино топширилди.

«БУНЁДКОР»ДА ИШ ҚИЗГИН

Шаҳар ҳокими «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шунингдек, у маҳалла аҳолисининг муурожаатларини тинглади. Ҳудудда олиб борилаётган курилиш ишлари бўйича мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисобот бердилар.

Маҳаллада янги қад рослаётган мактабгача таълим ташкилоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

20 ҚАВАТЛИ МЕҲМОНХОНА ҚУРИЛАДИ

22 март куни шаҳар ҳокими Хитойнинг Qianxing Investment Group компанияси вакиллари билан учрашди. Дастлаб компания раҳбари Чен Синфу билан музокара бўлиб ўтди. Унда «Namangan QianXing investment» МЧЖ томонидан Наманган шаҳрида 8 та 9 қаватли, 4 та 12 қаватли хонадон, 2 та 3 қаватли савдо комплекси ва битта 20 қаватли меҳмонхона куриш ишларини жадаллаштириш бўйича келишиб олинди. Сўнгра делегация аъзолари билан самимий суҳбат ўтказилди.

ТАЙИНЛОВ

Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

АБДУҚАҲҲОРОВ ДОСТОНБЕК МАЪРУФЖОН ЎҒЛИ

Достонбек Абдуқаҳҳоров 1990 йилда Косонсой туманида туғилган. Маълумоти олий, 2014 йили Наманган давлат университетининг «Миллий гоё, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналишини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2015 йилда ИИБ Транспортдаги ИИБ Андижон темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими, Наманган темир йўл бекатидаги

тармоқ ички ишлар бўлинмаси милиция саф бўлинмалари патруль-пост хизмати бўлинмаси милиционери сифатида бошлаган.

Ҳозирга қадар, Наманган вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бўлими ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори сифатида фаолият юритиб келаётган эди.



Достонбек Абдуқаҳҳоров, Наманган шаҳар ҳокими Ғофуржон Джамаловнинг 2021 йил 25 февралдаги қарори билан шаҳар ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Наманган шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

НАСРЕТДИНОВА ЁРҚИНОЙ САЙФИТДИНОВНА

фаолиятини 1996 йилда Наманган вилоят халқ таълими бошқармасининг услубчиси сифатида бошлаган.

Ҳозирга қадар, Давлатобод тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари бўлими бошлиғининг ўринбосари, хотин-қизлар масаласи бўйича ҳоким маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Ёрқиной Насретдинова Наманган вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Шухрат Мусаевнинг 2021 йил 15 мартдаги буйруғига асосан, Наманган шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, хотин-қизлар масаласи бўйича ҳоким маслаҳатчиси этиб тайинланди.



Ёрқиной Насретдинова 1977 йили Наманган шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, 2008 йили Наманган давлат университетининг (магистратура) «Физика-математика» факультетини тамомлаган. Меҳнат





КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги махсус эксплуатация - монтаж бўлимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, йўл белгиларини босқичма-босқич замонавий юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламалари билан алмаштириш, шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган барқарор йўл чизиқларини чизиш учун махсус техника ва асбоб-ускуналар сотиб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наврўз байрами арафасида мазкур ташкилотга шу мақсад учун махсус техника воситасининг топширилганлиги жамоа аъзоларининг қувончларига қувонч қўшди. Байрамона безатилган дастурхонга шу соҳада кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, ишчи-хизматчилар тақдир этилдилар. Ташкилот раҳбари Баҳодир Бекходжаев барчани қутлуг айём билан қизгин табриклади. Шунингдек, бир гуруҳ меҳнат

фахрийларига, илғор ходимларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шаҳар маданият бўлими санъаткорлари ижросидаги куй ва ўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Наврўз байрами арафасида Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида жойлашган Янги Ўзбекистон - ёшлар зиё маскани ахборот-кутубхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ер 30 мингдан зиёд турли бадий ва илмий адабиётлар, ўқув кўлланмалар билан таъминланди. Келгуси уч йилда китобларнинг сонини 100 мингга олиб чиқиш режа қилинган.

Янги кутубхонанинг умумий майдони 5220 кв. метрни ташкил этади. 3 та қават ва китоблар архиви, фонд сақлаш учун мўлжалланган махсус ертўладан иборат ушбу кутубхонада бир вақтнинг ўзиде 1200 кишига хизмат кўрсатилади.

Муассасанинг кириш қисмида рўйхатга олиш бурчаги, инфокиоска жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир китобхон учун махсус ID карталар берилади ва улар рўйхатга олинади. Шунингдек, бинонинг биринчи қаватида "Болалар майдончаси" ташкил этилган бўлиб, унда 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга китоблар, уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш учун жиҳозлар ажратилган. Мазкур майдончада болалар учун мўлжалланган стол ва стуллар, юмшоқ ўриндиқлар, уйинчоқлар ва китоблар мавжуд. Очилиш маросимида вилоят раҳбарлари, нуроний ва ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими ушбу зиё масканига мингдан зиёд илмий, бадий китобларни совға қилди.

МАҲАЛЛАЛАРДА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ



"Оби ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида Наврўз байрами кенг нишонланди. Катта қозонда сумалак пиширилди, ош дамланди.

Маҳалладаги олти нафар болажонларнинг хатна тўйлари ҳам ўтказилди. Маҳалла фаоллари 26-сонли меҳрибонлик уйига бориб тарбияланувчиларни табриклашди ва уларга эсдалик совғалари топширилди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ.

Аҳолини рўйхатга олиш, аввало, давлат ёки ҳукумат эмас, балки жамиятнинг ўзи учун зарур бўлиб, у вақти-вақти билан ўз-ўзини кўзгуда кўриш орқали ривожланиш натижаларини баҳолаш имкониятидир. Унда қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим эта туриб, ўзлари мансуб бўлган кишилар гуруҳига тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Мисол учун, ишсизларнинг сўровномадаги жавоблари меҳнат бозорини ўрганиш ва айнан керакли жойда янги иш ўринлари яратиш имконини берса, болалар сони тўғрисидаги маълумотлар мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари ва шу каби даргоҳлар қурилиши режаларини тузишда кўл келади. Ёш ҳақидаги маълумотлар пенсияга чиқадиганлар сони, уларнинг нафақа тўловлари учун зарур бўладиган маблағларни жамғариб бориш имконини беради. Мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ёки олий таълимга қабул қилинадиган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам худди шундай шаклланади. Яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар эса ҳар биримизнинг уйимизгача келадиган йўллар қурилиши, коммуникациялар билан таъминланиш режалаштириш учун зарур.

Мамлакатимизда синов тариқасида жорий йилдан бошланган аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2023 йилда ўтказиладиган асосий тадбирга тайёргарликнинг муҳим бос-

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТДА ИШТИРОК ЭТАДИ

қичидир. Мазкур амалиёт услубий, техник ва ташкилий масалаларни қайта кўриб чиқиш имконини бергани боис, унда қанча кўп респондент (аҳоли) қатнашса, шунча кўп камчиликларни аниқлаш ва тузатишга шароит туғилади, тадбирнинг сифатли ва самарали ўтказилиши таъминланади. Бу ишларни бажариш мақсадида жойларда махсус гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, жараёнлар аниқ ва тизимли йўлга қўйилади. Рўйхатга олувчилар ишини мувофиқлаштириш учун ҳар бир участкада 1 нафар инструктор ва 1 нафар стационар рўйхатга олувчи фаолият юритади. Улар ишини рўйхатга олиш участкаси ходимлари назорат қилади.

Яшаб турган хонадонда (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаган респондентлар инструкторлик участкасида фаолият юритувчи стационар рўйхатга олувчи ходимларга мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Туман ва шаҳар миқёсидаги ишларни назорат қилиш учун ҳудудларда аҳолини рўйхатга олиш бўлими фаолияти йўлга қўйилади. Жараён якунига етгандан сўнг ҳудудий статистика бошқармалари ҳузурида аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини электрон базага

киритиш марказлари ташкил этилади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу тадбирлар орқали нафақат ўзимиз, балки келажак авлод учун муҳим маълумотларни тўплашга эришамиз. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари мамлакатимизнинг кейинги демографик ва ижтимоий сиёсатини белгилаш билан бирга, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ҳамда дастурларини тузишда кенг қўлланилади.

Мамлакатдаги иш берувчилар ҳақида рўйхатга олиш натижасида шакллантириладиган маълумотлар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўл очади. Бизнес вакиллари рўйхатга олиш маълумотлари орқали меҳнат ҳамда истеъмол бозори ҳолатини баҳолаш, талаб ва таклифлар эҳтиёжини аниқлаш имконига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли тўғрисида тўпланадиган маълумотлар барча соҳаларни ривожлантириб, жаҳон майдонига янги Ўзбекистоннинг янгича қиёфасини акс эттирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Санжарбек МЕЛИХЎЖАЕВ,
вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚАНДАЙ ЧЕКЛОВЛАР МАВЖУД?



Таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 21 майда қабул қилинган

"Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом ва Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи билан тартибга солинади.

Мазкур ҳужжатларда белгиланишича, таълим муассасасига кириб келишда ҳар бир таълим олувчи, ходим ва бошқа шахслар ўз телефони абонентининг чақирув овозини тўлиқ ўчириб қўйиши (телефонни "овозсиз" режимга ўтказиши) ҳамда ўқув машғулоти ва тадбирлар бошланишидан олдин уни сумкасига солиб қўйиши шарт. Таълим олувчиларга телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтақларида, шим, юбка чўнтақларида сақлаш, телефон аккумуляторини зарядлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улаш тақиқланади.

Шунингдек, телефонни ёрдамида атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб қилувчи видео ва суратларни намойиш қилиш, таълим муассасасининг нуфузига, жумладан, зўравонлик ва вандализм ҳолатларини суратга олиш ва кейинчалик уларни атрофдагиларга намойиш этиш йўли билан зарар етказишга йўл қўйилмайди.

Низомга кўра, телефоннинг сақланиши учун фақат унинг эгаси (ота-оналар) жавоб берадилар.

Ўқув машғулоти вақтида телефон орқали сўзлашиш ҳамда SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш, телефонни стол устига қўйиш, мусиқа тинглаш, телефон орқали GPRS, Bluetooth, Интернет ва шу каби бошқа хизматлардан фойдаланиш, сурат ва

видео тасвирларни кўрсатишда телефондан фойдаланиш, тасвир кўриш, диктофон, калкулятор, календарь, блокнот, ёндафтарча кабилар сифатида фойдаланиш, суратга олиш ва видео тасвирга тушириш; телефон орқали бошқа хизматлардан фойдаланиш тақиқланади.

Ушбу талаблар бузилган тақдирда таълим муассасасининг ҳар қандай педагог ходими таълим олувчидан телефонни олиб қўйиши, билдиришнома расмийлаштириши ва билдиришномани телефон билан бирга таълим муассасасининг директориға ёки директор ўринбосарига, кейинчалик уни ота-оналарга бериш ҳуқуқига эга.

Искандар НЕЪМАТЖОНОВ,
Наманган шаҳар адлия бўлими ҳузуридаги давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш маркази етакчи юрисконсульти.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

САЙЛОВЛАР ОКТЯБРЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиришларга кўра Президентликка, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Олдин мазкур муддат уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи этиб белгиланган эди. Бундан ташқари, киритилган ўзгартиришларга асосан сайловларни ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан, туман, шаҳар Кенгашилари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари эса туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Илгари сайлов участкалари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилиши белгиланган эди.

Шунингдек, Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари эндиликда тузилмайдиган бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилиши белгиланди.

Зухриддин СИДДИҚОВ,
Наманган шаҳар адлия бўлими
бош маслаҳатчиси.

